

Қимматликларни инкассация қилишга доир
52 **СОҢЛИ ШАРТНОМА**

Тошкент шаҳри

2021 йил 29 октябр

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Республика Инкассация хизмати давлат унитар корхонаси кейинги ўринларда «**Инкассация хизмати**» деб аталади) номидан Низом асосида иш юритувчи Бош директор ўринбосари **А.Юсупов** бир томондан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармаси (кейинги ўринларда «**Марказий Банк**» деб аталади) Низом асосида иш юритувчи Бош бошқарма бошлиғи **Ш.Р. Хаджидаев** иккинчи томондан ва _____ (кейинги ўринда «**Банк**» деб аталади) номидан ишончнома асосида иш юритувчи Бошқарувчи _____ учинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартнома мавзуси

1.1. Марказий банкнинг **ФАРМОЙИШИ** асосида «**Инкассация хизмати**» «**Банк**» ва «**Марказий Банк**»га тегишли бўлган нақд пулларни ва бошқа қимматликларни (кейинги ўринда «қимматликлар» деб аталади) бут саклаган ҳолда етказиб беради.

1.2. «**Банк**» ушбу шартноманинг 1.1. бандида кайд этилган хизматлар кўрсатилгани учун «**Инкассация хизмати**»га ўз вақтида тўловни амалга оширади.

2. Томонларнинг мажбуриятлари

2.1. «Марказий Банк»:

«**Банк**» талабномаси асосида фармойиш тайёрлаб, бажарилиш муддатидан 1 (бир) кун олдин «**Инкассация хизмати**»га ижро учун тақдим этади;

Хизмат фармойишини ўз вақтида бажарилишини назорат қилади.

2.2. «Инкассация хизмати» Марказий банкнинг фармойиши асосида:

Нақд пулларни ва бошқа қимматликларни ўз вақтида, ҳавфсизлигини таъминлаган ҳолда «**Банк**»га етказиб беради;

Нақд пулларни «**Банк**» кассаларидан олиб чиқади;

2.3. «Банк»:

«**Банк**»га кириш жойлари ҳамда йўлақлар бўш ва ёруғ бўлишини, махсус автомашина ва инкассаторлар «**Банк**» эшиқларигача ўтиши яққол кўриниб турадиган даражада яқин боришини, махсус автомашиналарни турар жойи бўлишини таъминлайди;

Қимматликларни жўнатувчи (олувчи) банк қимматликлар ва уларнинг илова ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлашни (қабул қилишни) таъминлайди.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматликларни инкассация қилишга доир меъёрий ҳужжатлари ва мазкур шартномада кўзда тутилган қоидалар томонларга маълум ва улар учун мажбурийдир.

3. Қимматликларни инкассация қилиш шартлари

3.1. Қимматликларни «**Банк**»дан қабул қилиб олиш учун инкассаторлар гуруҳи бошлиғи фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилиб, имзо наъмунаси кайд этилган ҳамда Инкассация хизмати раҳбари, бош бухгалтерни имзолари қўйилиб Инкассация хизмати муҳри билан тасдиқланган ишончнома (179-шакл) асос бўлади. Инкассаторлар гуруҳининг бошлиғи ўзининг шахсини тасдиқловчи фотосуратли гувоҳномасини кўрсатиб, ишончномани қимматликларни жўнатувчи банк вакилига топширади. Жўнатувчи банк қимматликларни инкассаторларга белгиланган тартибда беради.

3.2. Инкассаторлар томонидан пул билетлари боғламлари ва тангали қоплар қабул қилиш вақтида аниқланган нуқсонли боғламлар ва қоплар қабул қилинмайди.

3.3. Инкассаторлар гуруҳи қимматликларни белгиланган манзилга топширганлиги, қимматликларни қабул қилиб олган моддий жавобгар шахснинг имзоси қўйилган ва банк муҳри босилиб тасдиқланган рўйхатнинг тилхат қисми билан исботланиши лозим.

4. Кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш

4.1. «**Инкассация хизмати**» томонидан кўрсатилган хизматлар учун ҳақ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган калькуляция асосида ҳисобланади ва қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали (my.soliq.uz) орқали электрон ҳисоб-фактура «**Банк**»га тўлов учун юборилади.

4.2. «**Банк**» «**Инкассация хизмати**» томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини, электрон давлат хизматлари портали (my.soliq.uz) орқали юборилган электрон ҳисоб-фактурани олган кундан 10 (ўн) иш кунидан кечиктирмаган ҳолда тўловни амалга оширади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. «Инкассация хизмати» томонидан инкассация қилинадиган қимматликларни бут сакланиши учун жавобгарлиги инкассаторлар қимматликларни жўнатувчи банк кассасидан қабул қилиб олган вақтдан бошланиб, олувчи банк кассасига белгиланган тартибда топширигандан сўнг тугайди.

5.2. Қимматликлар «Инкассация хизмати» айби билан йўқолганда, «Инкассация хизмати» Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, нақд пуқл ва қимматликларнинг йўқолган ҳажмида ёки қамомат суммасида жавобгар бўлади.

5.3. «Инкассация хизмати»нинг айби билан Марказий Банк Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг хизмат фармойиши ижросини ўз вақтида таъминланиши кечиктирилса, ҳар бир кечиктирилган кун учун «Банк» томонидан «Инкассация хизмати»га тўланиши лозим бўлган суммадан 0,4% фоиз миқдорда, аммо бир ойлик тўлов суммасининг 50% фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня ўндирилади.

5.4. Қимматликлар солинган қоплар ва пуқ бепламлари, шунингдек уларга қўйилган пломба (муҳр), полиэтилен плёнка ва қафолат чоклари бут бўлган тақдирда жўнатувчи банк уларнинг ичидаги қимматликларни бутлиги учун олувчи банк олдида жавобгар бўлади.

5.5. Қўрсатилган хизматларга ўз вақтида ҳақ тўланмагани учун «Банк», «Инкассация хизмати» фойдасига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтказиб қўборилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин тўланиши лозим бўлган сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Қўрсатилган хизматларга ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортгани учун «Банк», «Инкассация хизмати» фойдасига, қўрсатилган хизматларнинг қийматидан ташқари, у тўлашдан бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалиқ юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

6. Низоларни ҳал қилиш тартиби

6.1. Мазкур шартномани бажарилиши юзасидан келиб чиқадиган низолар томонларнинг ўзаро келишувига асосан музоқара йўли билан ҳал қилинади. Томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда ушбу низоли масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда Иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

7. Форс-мажор ҳолати

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолатлар, шунингдек енгиб бўлмас қучлар томонидан (сув тошқини, ёнғин, ер қимираши, харбий ҳаракатлар ва бошқалар) содир бўлганда ва оқибатда шартномада қўрсатилган мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман бажарилмаса, тарафлар жавобгарликдан озод қилинади. Қўрсатилган ҳолат уч кун ичида тегишли органнинг ҳужжати билан тасдиқланиши лозим.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб қучга қиради ва номуайян муддатга тузилади. Мазкур шартнома имзоланиши муносабати билан 2015 йил 5 январдаги 74-сонли шартнома юридик қучини йўқотган ҳисобланади. Томонлар бошқа томонни бир ой аввал огоҳлантирган ҳолда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

8.2. Мазкур шартномага киритилаётган барча ўзгариш ва қўшимчалар ёзма равишда имзолангандан кейин қучга қиради ва илова шаклида шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

8.3. Шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 3(уч) нусхада тузилиб, биринчи нусхаси «Инкассация хизмати»га, иккинчи нусхаси «Марказий банк»га, учинчи нусхаси «Банк»га ижро этиш учун тақдим қилинади.

9. Томонларнинг ҳуқуқий манзиллари ва банк реквизитлари :

«Инкассация хизмати»

Республика Инкассация хизмати
давлат унитар қорхонаси,
Тошкент ш. Навоий қўчаси, 19 уй
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси ХҚКМда

Ҳ/Р: 21596000100447994001

Банк коди: 00014

ИНН: 201052396

«Марказий Банк»

Марказий банк Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси,
Тошкент ш. Ўзбекистон шох
қўчаси, 6 уй
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Тошкент шаҳар
бош бошқармаси ХҚКМда

Ҳ/Р: 56314000900000014002

Банк коди 00014

ИНН: 201053774

«Банк»

Саноат-қурилиш банки МЧЖ
Тошкент хўжалиқ унитар қорхонаси
МЧЖ 00440
т.а. 91 224 01 00
www.sobobank.uz
х/р 199606025601003300
КҚД: 10463



Бошқарувчи ўринбосари

(имзо)

Бош бошқарма бошлиғи

Ш.Р.Хаджизадаев

(имзо)

М.Ў.

Бошқарувчи

(имзо)

М.Ў.